

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил апрель ойининг 4 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Абдулхаев, судья ёрдамчиси Б.Абдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтоҳур туман прокурорининг катта ёрдамчиси С.Очилов, судланувчи С.Сабиров, унинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси, “Yunusobod Advokatlari” адвокатлар ҳайъати адвокати Х.Газибеков, жабрланувчи Ф.Юсуповларнинг иштирокида, Сабиров Сардор Фарход ўғли (Sabirov Sardor Farhod o‘g‘li)га нисбатан 1-1003-2404/203-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Сабиров Сардор Фарход ўғли (Sabirov Sardor Farhod o‘g‘li) – 28.01.1993 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 29.01.2019 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 2 йил-у 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 09.08.2019 йилдаги ажримига кўра, қолган 1 йил-у 4 ой 28 кун жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 12.10.2020 йилдаги ажримига кўра, ўталмаган 1 йил 28 кун жазоси ЖКнинг 46-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 23.04.2021 йилдаги ажримига кўра, қолган 6 ой 17 кун жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан шартли равишда озод этилган;

2) жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 03.11.2023 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазо ўталмаган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Тешикқопқоқ МФЙ, Бобожонов кўчаси, 112-А-хонадонда истиқомат қилувчи, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, 17.12.2023 йилдан қамоқда сақланган, айблов хулосаси нусхасини 25.03.2024 йилда олган,



Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи С.Сабилов ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш мақсадида, 2020 йил август ойи бошларида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапул маҳалласида жойлашган “Malika” савдо мажмуасига келиб, телефон аппаратлари савдоси билан шуғулланиб келаётган жабрланувчи Юсупов Фарход Садикджановичдан нархи 2.770.975 сўмга тенг бўлган 270 АҚШ долларилек бир дона, “Redmi Not 9 Pro” русумли телефон апаратини сотиб олишини, пулларини кейин олиб келиб беришини айтганида, Ф.Юсупов унга қарзга телефон апаратини сотмаслигини маълум қилиб, бир неча марта телефон апаратини қайтаришини талаб қилган бўлса-да, Ф.Юсуповнинг ёнида бошқа мижозлар борлиги сабабли ва унинг ортидан келмаётганлигидан фойдаланиб, телефон апаратини қайтариши ҳақидаги гапларига эътибор бермасдан, ўзининг йўлида давом этиб Ф.Юсуповнинг эркига ҳилоф равишда қочиб кетган ва телефон апаратини очикдан-очик талон-торож қилиб, ҳодиса жойидан яширинган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган С.Сабилов айбига қисман иқдор бўлиб, дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни 2020 йил август ойи ўрталарида карантин бўлиб, тирикчилик қилишга бир оз қийналганлигини, бир-иккита танишларидан пул сўраганида, улар пул бера олмаганлигини, пул топиш мақсадида Шайхонтоҳур туманида жойлашган “Малика” савдо мажмуаси олдида юрганида, аввал бир-икки марта кўришиб салом-алик қилиб юрадиган Ф.Юсупов ўзини бошқарувидаги Спарк русумли автомашинани орқа томонини очиб турли русумдаги телефон аппаратларини сотиб ўтирганлигини кўрганлигини, унга жуда ҳам пул зарур бўлганлиги сабабли, Ф.Юсуповдан битта телефон апаратини олиб кетмоқчи бўлганлигини ва Ф.Юсуповдан бир дона “Редми Нот 9 Про” русумли телефон апаратини сотиб олишини, уни мижозга кўрсатишини, ёкса сотиб олишини айтганида, Ф.Юсупов унга телефон апарати насиё савдога сотилмаслигини, телефонни қайтариб жойига қўйишини сўраганлигини, у яна Ф.Юсуповга такроран мижозга кўрсатиб, кейин олиб келишини айтганлигини, Ф.Юсупов норози бўлиб телефонни қайтариб беришини айтганлигини, Ф.Юсупов шу ерда мижозлар билан бирга қолганлигини, тахминан 20 метрлар узоқда “Лада” русумли дельфин рангли автомашинида К.Мосабиров ўтирганлигини кўриб, унинг автомашинасига ўтириб, хайдашини айтганлигини, Корзинка супермаркети томонга ҳаракатланганлигини, шу пайт Ф.Юсупов уни кетаётганлигини кўриб қўлини кўтарганлигини ва тўхташини айтганлигини, лекин кетиб қолганлигини ва Корзинкани олдида қайтиб Малика савдо марказининг кириш қисми олди



йўлагига келиб, машинадан тушганлигини, К.Мособиров эса шу ерда қолганлигини, Ф.Юсуповдан олиб қўйган “Редми Нот 9 Про” русумли телефон аппаратини ўзига тегишли эканлигини айтиб, нотаниш шахсларга 220 АҚШ долларига сотиб юборганлигини, пулларни эса ўзини эҳтиёжларига ишлатиб юборганлигини, К.Мособировни ушбу ҳолатдан хабари бўлмаганлигини, чунки унга бу ҳақида айтмаганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, зарарни қоплаганлигини баён қилиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Судланувчи С.Сабилов айбига қисман иқрорлик билдирган бўлса-да, унинг юқоридаги жиноятни содир этишдаги айби судда текширилган қўйидаги далиллар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Суд мажлисида жабрланувчи Ф.Юсупов дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қўйидагиларни, яъни 2020 йил август ойи ўрталарида карантин бўлганлиги сабабли савдо ишлари тўхтаб қолганлигини, тирикчилик қилиш мақсадида ўзи “Малика” савдо мажмуаси олдида бошқарувида бўлган Спарк русумли автомашинани орқа қисмини очган ҳолда “Редми” русумли телефон аппаратларини сотиб юрганлигини, 2020 йил 20 август кунлари савдо билан шуғулланаётганида, аввал бир-икки марта кўришиб, салом-алиқ қилган С.Сабилов келиб, ундан РедМи русумли телефон аппаратларидан бир дона, нархи 270 АҚШ долларига тенг бўлган РедМи Нот 9 Про русумли телефон аппаратини сотиб олишини айтиб олганлигини, телефон аппаратини олиб кўздан кечирганлигини ва секин кета бошлаганлигини, у эса С.Сабиловга телефонни нақд пулга сотишини, насия савдо қилмаслигини айтганлигини, С.Сабилов эса секин ундан узоқлашиб Корзинка супермаркети томонга қараб кетганлигини, бу вақтда унинг олдида харидор бўлганлиги сабабли, ортидан бора олмаганлигини, С.Сабиловни кўрган вақтида таниши К.Мособировнинг “Жигули” русумли автомашинасига ўтириб кетаётганлигини кўрганлигини, уларга қараб тўхташини ва телефонни қайтаришини сўраганига қарамасдан, С.Сабилов унга йўловчи томон олди ўриндиғидан унга қараб, индамасдан кетиб қолганлигини, С.Сабиловга телефонни қайтаришини айтиб бақирганлигини К.Мособиров ҳам эшитганлигини, лекин индамасдан кетиб қолишганлигини, С.Сабилов ва К.Мособировларни яқиндан танимаслигини, уларни шу ерда савдоларга аралашиб юрганлиги сабабли танишини, терговга қадар текширув жараёнида ёзган тушунтириш хати ва аризасида РедМи Нот 12 Про русумли телефон аппарати деб ёзганлигини, ҳолатга анча вақт бўлиб озроқ адашиб шундай деб ёзиб юборганлигини, кейинчалик эслашича, С.Сабилов ундан “RedMi Not 9 Pro” русумли телефон аппарати олиб кетганлигини билганлигини, унга етказилган зарар қопланганлигини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилиб, судланувчига енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Суд мажлисига келмаган гувоҳ К.Мособировнинг дастлабки тергов даврида берган кўрсатувлари судланувчи ва таафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилди.

Бундан ташқари, судланувчи С.Сабиловнинг ушбу жиноятни содир



этганлигини исботловчи айби, дастлабки тергов даврида тўпланган ва судда текширилган қуйидаги далиллар, яъни жабрланувчининг қонуний чора кўриш ҳақидаги аризаси (и.в. 5), тушунтириш хатлари (и.в. 6-7, 67-68), юзлаштириш баённомалари (и.в. 84-86, 91-93, 94-96, 97-99, 100-102), шахсни фотосуратидан таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси (и.в. 103-105), кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ҳақида баённома (и.в. 106-110, 111-114), шунингдек, иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида “*Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишида айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинishi лозим. Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда руҳсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий текширилиши лозим*” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “**Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида**”ги 6-сонли қарори 2-бандида “*ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиши билан бошланган, лекин жабрланувчи ёки бошқа шахслар томонидан сезиб қолинганига қарамасдан айбдор томонидан мулкка эгаллик қилиши мақсадида уларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиши билан қўрқитиб қилинган ҳаракатлар талончилик деб тавсифланади*”;

3-бандида “*Айбдор, жабрланувчи ва бошқаларнинг кўз олдида ўзганинг мулкани эгаллаб олаётганлигини ва улар унинг ҳаракатларининг жиноий хусусиятини тушунганлигини англаганда, ўзганинг мулкани ошқора талон-торож қилиши талончилик ҳисобланади*” деб амалий тушунтириш берилган.

Суд, дастлабки тергов органлари томонидан судланувчи С.Сабировнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддасининг 1-қисми, яъни “*талончилик, яъни ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиши*” ифодаланган жиноят белгилари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд судланувчи С.Сабировга жазо тайинлашда унинг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини ва енгиллик бериш ҳақидаги илтимосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи



ҳолатлар сифатида баҳолайди. Илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахс бўла туриб, такроран қасддан янги жиноят содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолайди.

Шу билан биргаликда, судланувчи С.Сабиоровга жазо турини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини эътироф этган ҳолда шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, унинг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини ва енгиллик бериш ҳақидаги илтимосини, шунингдек, унга нисбатан ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши лозимлигини, муқаддам қасддан содир этган жинояти учун судланиб, ўзига тегишли хулосалар чиқариб олмасдан, қасддан янги жиноят содир этганлигини, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури тайинланган тақдирда келгусида яна қасддан жиноятлар содир этишга мойиллиги борлигини, унинг келгусидаги жиноий фаолиятини олдини олиш лозимлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57,72-моддаларини қўлламасликни ва унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топади.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи С.Сабиоровга жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 03.11.2023 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисмига кўра “Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшилади” деб кўрсатилган.

Судланувчи С.Сабиоровга муқаддам иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин унинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланганлигини инобатга олиб, ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддасига асосан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлашни лозим топади.

Суд, жабрланувчи Ф.Юсуповнинг судланувчи С.Сабиоровга даъвоси йўқлиги, унга етказилган зарар қопланганлиги ва С.Сабиоровга енгиллик бериш ҳақидаги аризасини инобатга олишни лозим топади.



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддасининг 5-қисмида жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига мувофиқ, суд

ҳ у к м қ и л а д и:

Сабилов Сардор Фарход ўғли (Sabirov Sardor Farxod o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилсин.

Сабилов Сардор Фарход ўғли (Sabirov Sardor Farxod o'g'li)га Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддасининг 1-қисми билан 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддаси тартибида С.Сабиловга жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 03.11.2023 йилдаги ҳукмига кўра тайинланган ҳар-хил турдаги жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташи учун 4 (тўрт) йил-у 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо қаттиқ тартибли колонияларида ўтаттирилиши белгилансин.

Жазони ўташ муддати 17.12.2023 йилдан бошлаб ҳисоблансин.

С.Сабиловга қўлланган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Жабрланувчи Ф.Юсуповнинг судланувчи С.Сабиловга даъвоси йўқлиги, унга етказилган зарар қопланганлиги ва С.Сабиловга енгиллик бериш ҳақидаги аризаси инобатга олинсин.

Апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, ҳукм апелляция тартибида қўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят ва протестлар шу суд орқали Тошкент шаҳар судига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

ИМЗО

А.Абдулхаев

Нусхаси аслига тўғри, судья:

